

## ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ОЛАМ МАНЗАРАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

**Маматов Абди Эшонкулович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Маълумки, маданиятни инсон, инсон шахси яратади ва унинг ўзи унда яшай бошлайди. Айнан шахсда инсоннинг ижтимоий табиати олдинги планга чиқиб олади, одамнинг ўзи эса ижтимоий-маданий ҳаёт субъекти сифатида намоён бўлади. Шахс этнос ёки халқнинг маданий анъана истикболлари нуқтаи назаридан ўрганилиши шарт, чунки одам тасавурида инсон туғилиши учун маданият доирасида шаклланивчи маданий-антропологик прототип зарур.

Р. Якобсон таърифига кўра, функционал жиҳатидан “тил ақлий ва маънавий яшаш ва мулоқот қилиш воситаси ҳисобланади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, турли семиотик тизим бўлишига қарамай, улар ўзаро кўпгина ўхшаш жиҳатларга эга: 1) маданият тил каби одамнинг дунёқарашини акс эттирувчи онг шакллари ҳисобланади; 2) маданият ва тил доимо ўзаро мулоқот ҳолатидалар; 3) маданият ва тил субъекти - бу доимо индивид ёки социум, шахс ёки жамият; 4) меъёрийлик - тил ва маданият учун умумий бўлган хусусият; 5) тарихийлик - тил ва маданиятнинг энг аҳамиятли белгиларидан; 6) тил ва маданият учун «динамика - статика» антиномияси ҳос.

Тил ва маданият: 1) коммуникация; 2) онтогенез (одамнинг лисоний қобилиятининг шаклланиши); 3) филогенез (жинсий, ижтимоий одамнинг шаклланиши) жараёнларида ўзаро боғлиқ.

Тил ва маданият мутаносиблигидан ҳосил бўлувчи манзара ҳаддан ташқари мураккаб ва кўп аспектлидир. Бунда бутун борлиқ, миллий-маданий стереотиплар (қолиплар) ҳамда тилнинг ўзи ҳам ўзгаради.

Оламнинг илмий манзараси - бу фанда ишлаб чиқилган фундаментал тушунчалар ва фаннинг принциплари билан ифодаланадиган борлиқ ҳақидаги тасавурларнинг энг умумий тизимидир. Бу тасавурлардан ушбу фаннинг асосий постулат (дастлабки қоида, фараз)лари келиб чиқади.

Оламнинг содда манзараси - кундалик ҳаётда қўлланиладиган борлиқ ҳақидаги фангача бўлган билимлар ва тасавурлар тизими. Лингвомаданиятшуносликнинг хазинасида мустаҳкам ўрнашган “оламнинг лисоний манзараси” тушунчасига мурожаат унинг фалсафа фанига алоқадор “олам манзараси” таянч тушунчаси билан ўзаро боғланишини аниқлашни талаб қилади. Маданиятшунослар эътиборни, энг аввало, субъектга боғлиқ бўлган олам манзарасининг хилма-хиллиги фактига қаратадилар, субъект эса алоҳида инсон, одамлар тўдаси, маълум бир халқ, умуман инсоният бўлиши мумкин.

Олам манзарасининг кўп вариантлиги кишининг ижтимоий тажрибасига боғлиқ, бошқача қилиб айтганда, кузатувчи қараб турган ҳис қилиш (тушуниш, англаш, идрок этиш) дунёси қанча бўлса, шунча олам манзараси мавжуддир. Тегишли олам манзаралари - мифологик, диний, фалсафий, илмий манзаралар оламини кўришнинг тегишли якунидир.

Агар олам манзарасининг хилма-хиллиги ҳақидаги ғоя нисбатан яқин вақтларда айтилган бўлса, оламнинг алоҳида ўзига хос лисоний манзараси кўринишининг мавжудлиги ҳақидаги фикр В.фон Гумболдт томонидан XIX асрнинг бошларидаёқ билдирилган эди.

Олам манзараси назарияси асосчиларидан бири бўлган М. Планк оламнинг амалий ва илмий манзараларини кашф этган. У одамнинг борлиқ ҳақидаги яхлит тасаввурини биринчи хилдаги манзара билан боғлаган. Кўпгина тилшуносларнинг эътироф этишларича, оламнинг лисоний манзараси кўринишида намоён бўлувчи концептуал тизим, жисмоний ва маданий тажриба орқали аниқланади ва унга бевосита боғлиқ. Тил одамларнинг олам ҳақидаги билимларини шакллантирувчи ва сақлаб келувчи муҳим куролдир. Инсон ўз фаолияти жараёнида объектив борлиқни акс эттирган ҳолда, сўзлар орқали билиш натижаларини қайд этади. Бундай лисоний шаклда мустаҳкамланган билимлар йиғиндиси турли терминлар билан, яъни “оралиқдаги лисоний дунё” (В.И. Абаев), «оламнинг қайта лисоний акс этиши» (Т.М. Дридзе), «оламнинг лисоний модели» (В. Гумболдт), «оламнинг лисоний манзараси» (Б.А. Серебренников) каби тарзда аталади.

Араб давлатлари маданиятида эса куёш ёз пайтида уларни қийин аҳволга солувчи жазирама ҳароратга тенглаштириб, салбий баҳолашади. Демак, куёшни фақат табиат ҳодисаси эмас, балки маданият маҳсули сифатида тушунса бўлади.

Жанубда яшовчи халқлар маданиятида ой алоҳида эътироф билан тилга олинади. Руслар онгида у қоронғулик, охират билан боғланиб, баъзида ҳаёт ва мамот билан (**жить "под луной", " в подлунном мире**) - ҳамманинг ҳаёти бирдай шароитда кечади) тасаввур қилинса, ой нури бошқа славянларда ҳомиладор ҳамда норасидалар учун хавфли, зиён келтирадиган ҳодисага таққосланади.

Ветнамликларда эса бошқа жанубий осие халқларидаги каби ойга муносабат тамоман бошқача, яъни улар ой календари бўйича яшашади, махсус нишонланадиган **“Ой байрами”** болаларнинг севимли байрами ҳисобланади. Гўзал, нозик ва беғубор ёш қизлар ойга ўхшатилади, севишганлар ой ёруғида гурунглашиб, унга бағишлаб шеърлар тўқишади ва кўшиқлар айтишади. Шунинг учун Ветнам халқи ҳаётидаги барча эзгуликлар ой орқали тасаввур этилади.

Шу каби ойга муносабат ўзбек халқига ҳам мансуб эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ўзбекларда ой куёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисмгина эмас (**«ойни этак билан ёпиб бўлмайди»- мақол**),

балки «гўзал, чиройли юз», («Ой деса ойга, кун деса кунга ўхшайди») «жуда гўзал, жуда ҳам чиройли», сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаш («Ой бориб омон қайт») маъноларида ишлатилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, рус халқида ҳам «лицо, как луна» ибораси гўзалликка тан беришни англатади. Бунга ўхшаган мисолларни бошқа халқлар маданиятида ҳам кўплаб ўхшатиш мумкин. Демак, миллий тиллар “қурол” каби тил соҳиблари учун оламнинг субъектив лисоний манзарасини ҳосил қилмайди, балки фақат уни тилда акс этишининг ўзига хос хусусиятига таъсир ўтказади. Тил борлиқни кўриш ва тушуниш қобилятига йўналтиради, инсон эса унга тил нимани “эсига солиб тураётганини” идрок қилади ва тушунади.

Масалан, рангни ифода қилувчи рус тилидаги учта сўз - **синий, голубой ва зеленый**га немис тилида иккита – **блау ва грүн**, ўзбек, козок ва қирғиз тилларида эса битта - **кўк** сўзи тўғри келади. Поляк тилида эса аксинча фақат битта **кўк** сўзига бир неча сўз мавжуд: **блекитний** (умуман кўк ҳақида), **модрий** (осмон, денгиз ҳақида), **синий** (юз ранги ҳақида). Бундан ўзбеклар, козоклар ва қирғизлар бу ранглارни фарқламайди, деган хулоса чиқмаслиги керак.

Бу миллатдаги кишилар учун юқорида келтирилган рангларни амалий эгаллаш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Аксинча, идрок қилинаётган нарсани ўзлаштириш ва тушуниш эҳтиёжи унга зарур бўлган нарсани вербаллаштиришга мажбур қилади: лексик тизимда мавжуд бўлмаган бирликларни (лақуналарни) ўзбеклар, козоклар қирғизлар **осмон каби кўк; денгиз каби кўк, ўт каби яшил** бирикмалари билан алмаштирадilar.

Демак, миллий тиллар “қурол” каби тил соҳиблари учун оламнинг субъектив лисоний манзарасини ҳосил қилмайди, балки фақат уни тилда акс этишининг ўзига хос хусусиятига таъсир ўтказади. Тил борлиқни кўриш ва тушуниш қобилятига йўналтиради, инсон эса унга тил нимани “эсига солиб тураётганини” идрок қилади ва тушунади.

Хусусан, русларда **собака** салбий кўринишлар билан бир қаторда вафодорлик, содиқлик, қаноатлилик ассоциацияси орқали фикран боғланади ва бу **собачья верность, собачья преданность, собачья жизнь** ва бошқа фразеологизмларда ўз ифодасини топган; белорусларда бу ҳайвон кўп ҳолларда салбий аломатларни изоҳлайди - **ушыцца у сабачью скуру** (“ярамас, дангаса киши бўлиб қолмоқ” маъносида), **сабакам падшыты** («ярамас одам»); туркий халқларнинг аксарият қисмида **ит**- ҳақоратли сўз, маъноси жиҳатидан рус тилидаги **чўчқага** яқин келади.

Рус тилидаги **чўчқа** сўзи разиллик, кўрнамаклик, тарбиясизлик рамзи ҳисобланади; инглизлар учун **чўчқа (пиг)** очофатлиликни билдиради; қирғизлар, козоклар, ўзбеклар ва бошқа муслмон халқлари учун унга диний мазмун берилади ва бунинг натижасида чўчқа кўпол ҳақорат сўзига айланади; **ветнам олам** манзарасида эса чўчқа сўзи- аҳмоқлик рамзидир.

Шундай қилиб, ит, чўчка сўзлари турли халқларда турлича хусусиятларни ифода қилади, бу нарса бу халқлар олами манзарасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи тафаккур тарзининг ўзига хослигидан, индивидуаллигидан далолоат беради.

Берилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар бир тил ва маданият учун ўзига хос қўшимча маъноларнинг - коннотацияларнинг вужудга келиши характерлидир. Уларнинг пайдо бўлиш механизми мазмунларнинг айрим аспекти (кўпинча унинг асосида муқим ассоциациялар (тасаввурлар) пайдо бўладиган сўзнинг ёрқин ички шакли ҳисобига) кучайиши билан боғлиқ. Бунда ассоциациялар коннотацияларнинг вужудга келиши учун далилий асосларни ташкил қилади, сўзнинг асл маъноси эса бу ерда кўчма маънога нисбатан ички шакл юзасида майдонга чиқади. Одатда денотатдан алоҳида хусусиятлар ажралиб чиқади, уларнинг образи коннотатив сўзнинг ички шаклида гавдаланади. Масалан, агар **кўрқок киши** ҳақида **қуён** деб гапирилса, бу унинг кулранг териси, калта думи, узун кулоқлари бор деганидан эмас, балки бундай киши ҳаёлий хатарни аниқ ҳис этиб, ўз вақтида қочиб қолишга улгуришидан далолат беради. Сўзнинг мазмунига ассоциатив аломатларнинг, бошқача қилиб айтганда коннотациялар пайдо бўлишининг мустаҳкамланиб қўйилиши маданий-миллий жараён дур.

Умумий қоида бўйича, коннотациялар сўзлардан келиб чиқувчи ассоциацияларга асосланган, аммо улар баъзан реалияларнинг хусусиятлари билан асосланганлар: **ихтиозавр** (қолоқ одам ҳақида), **бузоқ** (ювош, мулойим одам ҳақида), **бозор** (сершовқин жой ҳақида), **винегрет** (ҳар қандай аралашма ҳақида), **молхона** (ифлос хона-жой ҳақида), **ҳаммом** (ҳар қандай иссиқ жой ҳақида) ва ҳ.к.

Кўп ҳолларда коннотациялар баҳо берувчи сифатида идрок қилинади, бунда шунингдек олам лисоний манзарасини ҳосил қилувчи тилнинг миллий ўзига хослиги ёрқин намоён бўлади. Масалан, русларнинг олам манзарасида **”эски уй” (старый дом)** бирикмаси **салбий фикрни** ифодалайди, инглизларда эса у **ижобий фикрни** ифодалайди; **кўк кўзлар** - ўзбеклар ва қирғизлар учун энг хунук кўзлар, деярли ҳақоратли сўз, аммо **бузоқ кўз** (одамлар кўзи ҳақида) - энг чиройли кўзларни характерлайди. Бу ерда коннотациялар борлиқни ўзлаштиришнинг қимматли шаклини, феъл-атвор ички ифодасининг омили сифатида намоён бўлади.

Коннотацияда тил номинатив тизимининг яширин ресурслари рўёбга чиқди, чунки коннотатив сўз сўзнинг семантикаси билан мураккаб муносабатда бўлган маънони нафақат яратиш, балки теран маънони сақлаб қолиш қобилиятига эга, бу билан у миллий-маданий лисоний манзарани яратади.

Оламнинг лисоний манзарасини яратишда фразеологизмлар - «миллат ҳаётининг кўзгуси» алоҳида рол ўйнайди. Фразеологик бирликларнинг маъноси табиати тил соҳибининг фонга оид (қўшимча) билимлари,

шахснинг амалий тажрибаси, шунингдек шу тилда сўзлашувчи халқнинг маданий-тарихий анъаналари билан узвий боғлиқ. Фразеологик бирликлар олам манзараси билан ассоциацияга киришадиган объектларнинг хусусиятларини қайд қилади, яхлит вазиятни (матнни) назарда тутаяди, уни баҳолайди, унга тегишли муносабатни ифода қилади. Фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан инсонни ва унинг фаолиятини баҳолайди.

Фразеологизмлар билан яратиладиган оламнинг лисоний манзарасини таҳлил қилиб унинг қуйидаги белгисини – антропоцентриклигини аниқлаш мумкин. Масалан, олам манзарасининг антропоцентриклиги унинг инсонга ва унинг фаолиятига йўналтирилганлигида ўз ифодасини топади, яъни инсон барча нарсаларнинг ўлчови сифатида майдонга чиқади: **яқин-под носом** (бурни остида, шундоққина олдида, ёнида, яқинида; ёнгинасида), **под рукой** (яқингинада, ёнгинасида, қўлда, ихтиёрда), **рукой подать** (йироқ эмас, жуда яқин), **под боком** (жуда яқин, ёнгинасида, бурнининг тагида); **кўп - с головы до пят** (бошидан оёғигача), **полон рот забот** (иш бошдан ошиб ётибди); **кам - в один присест** (бир ўтиришда); **қоронғу - ни зги не видно** (қоп-қоронғи, зимистон, ҳеч нарсани кўриб бўлмади); **тез - и глазом не моргнул** (ҳеч тап тортмади, пинагини ҳам бузмади, қўркмади, пинагини бузмади), **в мгновение ока** (кўз очиб юмгунча, бир лаҳзада), **сломя голову** (зинғиллаб, елиб, елдек учи, ўлар-тириларига қарамай), **ног под собой не чувят** (оёқни қўлга олиб, зинғиллаб); **жуда севмоқ - влюбиться по уши** (қаттиқ севиб қолмоқ ) ва ҳ.к.

Шундай қилиб, олам манзарасини ўрганиш одам ва унинг борлиги хусусиятлари, олам билан ўзаро муносабатлари, яшаш шароитлари билан боғлиқ. Оламнинг лисоний манзараси инсоннинг турли олам манзараларини изоҳлайди ва умумий оламий манзарани акс эттиради.